



ЁШ КЕЛИН-КУЁВ ЎРТАСИДА СОҒЛОМ ПСИХОЛОГИК МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАШТИРУВЧИ ПСИХОКОРРЕКЦИОН ИШЛАРНИНГ ЭМПЕРИК АСОСЛАРИ

Муминова Дилноза Солеховна

Осиё халқаро университети магистранти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10081334>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-November 2023 yil
Ma'qullandi: 04-November 2023 yil
Nashr qilindi: 08-November 2023 yil

KEY WORDS

оила-никоҳ, ер ва хотин, ўзаро
ҳурмат, севги, масъулият, бурч
ҳисси, жинсий мослик, зиддият,
ассиметрик, симметрик,
туғилиш, бахтли оила, бахтли
никоҳ.

ABSTRACT

*Ушбу мақолада ўзбек оилаларида ёш келин-куёв
психологик қиёфасини ифодаловчи хулқ-атворнинг
емперик кўрсаткичлари таҳлили ҳақида фикир
мулоҳазалар келтирилган.*

Жаҳон бўйича олиб борилаётган ижтимоий-психологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, сўнгги 30 йилда эр-хотин ажралишларининг кўпайиб бориш тенденцияси кузатилган, бироқ уларни салбий ҳодиса сифатида кескин қоралаш нисбатан камайган. Жамиятнинг ҳозирги тараққиёт босқичида ана шундай муаммоларни олдини олишнинг муҳим воситаларидан бири оилада соғлом психологик муносабатларни таъминлашга йўналтирилган ижтимоий-этник меъёрлардан самарали фойдаланишдир.

Бунинг энг муҳим ва самарали воситаларидан бири оилавий психотерапияни йўлга қўйишдир. Оилавий психотерапия психотерапиянинг мустақил илмий-амалий соҳаси сифатида XX асрнинг ўрталаридан бошлаб шаклланди. Унинг юзага келиши айна бир вақтда оила инқирозининг (кўпроқ ғарб мамлакатларида) намоён бўлиши ва унга ёрдам кўрсатишнинг янги, ноанъанавий усулларини топишга уринишдан бошланган эди. Айна оиланинг барбод бўлиши аниқ хавфга айланган ўша даврда оилавий психотерапия уни даволашнинг ўзига хос услуби сифатида янги бир ички имконият кўринишида юзага келган. Тараққиёт психологияси ижтимоий психология билан биргаликда оилавий психотерапияни, яъни оилани тушуниш учун янги психологик асосни юзага келтиришга имконият яратди [1].

Оилавий психотерапияга доир энг мукамал қўлланмаларда бу илмий-амалий фанга шундай таъриф берилган: Оилавий психотерапия профилактикаси касалликларни даволаш ҳамда шундан кейинги ижтимоий меҳнат реабилитацияси мақсадида уни ўрганишни ва унга

таъсир кўрсатишни қамрайдиган психотерапиянинг янги бир соҳаси ҳисобланади. Энг муҳими оилавий психотерапияда психотерапиянинг бошқа соҳалари томонидан ўрганилмайдиган бир қатор қўшимча жиҳатлар ҳам мавжудки, булар-оиланинг ижтимоий-этник меъёрлар асосида фаолият кўрсатиши, ундаги бузилишларнинг турлари, сабабчи мотивлари, уларнинг профилактикаси, оила аъзоларининг психик ва соматик саломатлиги, оила ҳаёти ва фаолиятига доир нуқсон ва хатоликларни аниқлаш диагностикасидир.

Оилавий психотерапия нима билан шуғулланади? Унинг предмети ва пировард мақсади нималардан иборат? Н. Пезешкиан шу саволларга жавоб берар экан, қуйидаги қадимий шарқ ҳикмати келтиришни лозим топади: Агар сен ўз мамлакатингни тартибга келтиришни хоҳласанг, дастлаб вилоятни тартибга келтир. Агар сен вилоятни тартибга келтиришни истасанг, аввалига шаҳарларда тартиб ўрнат. Шаҳарларда тартиб ўрнатиш учун оилаларни батартиб қилмоғинг лозим. Агар сен оилаларда тартиб ўрнатишни хоҳласанг, аввало ўз оилангда тартиб ўрнатишинг керак. Сен ўз оилангда тартиб ўрнатишни истар экансан, дастлаб ўзингни тартибга солмоғинг жоиз [2]. Хуллас, "оилаларда тартиб ўрнатиш"га даъват этилган оилавий психотерапия пировард натижада инсонпарвар психологик амалиёт сифатида юзага келди. Илмий психология нуқтаи-назаридан, психотерапия ўзининг бу хусусияти билан замонавий оила ривожланишида, унинг базавий ижтимоий йўналиши марказида инсон туриши туфайли уни ўзгартирадиган инсонпарварлик майлларига ёрдам беришга даъват этилган.

Бугунги кунда ёш оилаларга доир масалалар бўйича психологлар ва психотерапевтлар маслаҳатига олиб келадиган муаммоларни таҳлил қиладиган бўлсак, гап ҳар доим ёш келин-куёв ўртасидаги соғлом психологик муносабатларни таъминлашнинг биофизиологик, ижтимоий-психологик, иқтисодий ва ижтимоий-этник асослари ҳақида боради. Айнан ўзаро муносабатлардаги ана шундай муаммолар инсоннинг руҳий ҳаётида ҳар доим таранглик, тўқнашувлар, зиддиятлар, баъзан эса ҳақиқий можаролар келиб чиқишига сабаб бўладиган соҳани ташкил қилади.

Оилавий муносабатлардаги хилма-хиллик, уларга киришувчи инсонлар психикасининг турли-туманлиги сингари оилада шаклландиган муаммолар ҳам чексизлик ҳолатини касб этади. Шахслараро муносабатларда ҳар бир шахснинг ички муносабатлари мутлақо ноёб ва бетакрор бўлганида эди, бу соҳада ихтисослашув бўлмасди, бинобарин, умумлаштирилган билимларни тўплаш ва кишилар билан ҳамкорликнинг махсус усуллари ишлаб чиқиш мумкин бўлмас эди. Реал ҳаётда аниқ вазиятлар ва муаммоларнинг кўзга кўриниб турган хилма-хиллиги орқасида эса умумий психологик механизмлар ётади. Ана шу механизмларнинг миллий-психологик моҳиятини англаб етиш учун дастлаб ўзбек оилаларида ёш келин-куёвнинг ота-онаси (қайнота-қайнонаси) ва яқин қариндошлари билан муносабат жараёни қандай кечаётганлигини аниқлашни мақсад қилиб қўйдик. Изланишимиз нафақат эр-хотиннинг ота-онаси ва яқин қариндошлари билан муносабатларини баҳолаш учун, балки ана шундай реал муносабатларни ўрганиш орқали ёш келин-куёв оиласида соғлом психологик муносабатларни таъминлашни зарурат тарзида йўлга қўйишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

1-жадвал

**Ёш келин-куёвнинг ота-онаси ва яқин қариндошлари билан муносабати
(фоиз ҳисобида) n=300**

№	Оила аъзолари	Жуда яхши	Яхши	Қаноат-ларли	Деярли ёмон	Ёмон
I	Келин n=150					
1.	Қайнона	18,0	52,0	16,0	10,0	4,0
2.	Қайнота	22,0	50,0	8,0	12,0	8,0
3.	Қайн опа сингил	19,3	48,7	10,0	13,0	9,0
4.	Қайн ака-ука	16,0	54,0	11,7	13,0	5,3
II	Куёв n-150					
1.	Қайнота	21,0	53,7	15,3	7,0	3,0
2.	Қайнона	25,7	41,3	14,0	12,0	7,0
3.	Қайн опа-сингил	19,7	57,0	13,3	8,0	3,0
4.	Қайн ака-ука	22	52,7	12,0	10,0	3,7

Муҳим жиҳати шундаки, оила учун яна бир вакил яъни келиннинг ана шу оиладаги қайнота, қайнона, қайн ака-укалар қайн опа-сингиллар билан муносабатлари ҳақида фикр билдириш ўринлидир. Тадқиқотларимиздан олинган натижалар ўлароқ, келин ва қайнота ўртасидаги ўзаро алоқадорлик 18% оилаларда жуда яхши, 52% оилада яхши, 16,0% ида қониқарли, 10% ида ёмонроқ, 4,0% ида эса жуда ёмон эканлигига қайд этилди. Оилаларда келин-қайнота муносабатларининг рисоладагидек ва аъло даражадаги кўрсаткичи 70% ни банд қилса ҳам, бироқ уларда келин-қайнота орасидаги низоли муносабатлар ҳали ҳам (ёмонроқ 10%, жуда ёмон 4,0%) ҳалиям мавжудлиги оиладаги соғлом психологик алоқалар мўтадиллигига маълум жиҳатдан ёмон таъсир кўрсатади. Келин ва қайнота орасида юзага келадиган тортишув ва низолар кўпчилик ҳолатларда улардаги хулқнинг бир-бирига мос эмаслиги, маблағ жиҳатидан етишмовчиликлар, оила маблағларини ўз ўрнига ишлатмаслик, ота-онанинг ноўрин ёшлар орасига тушиши, бир-бири қизғониш ва ишончмаслик, уй ишларидаги бетартиблик, ота-она ва оилага яқин инсонларга меъёрий муносабатларни сақланмаслиги, яшаш муҳитининг номутаносиблиги, ўй фикрларнинг бир-бирига мос эмаслиги сабабли юзага келиши қайд этилди.

Кейинги ўринда келин ва қайнона орасидаги алоқалар ахволига диққатимизни қаратсак, бунда улар орасидаги алоқалар 22% оила вакилларида жуда яхши, 50,0% ида яхши, 8% ида қаноатланарли, 12% ида деярли ёмон ва 8% ида ёмон эканлиги қайд этилди. Тажрибаларимиз натижаларига кўра, қайнона-келин алоқалари оила муҳитида энг энг асосий бўғинни эгаллайди, десак асло муболаға бўлмайди. Чунки келин-қайнона алоқалари ўта ижобий ва ижобийлиги 72% ни намоён қилса ҳам, бироқ улар орасидаги деярли салбий ва салбий ҳолатлар ҳали ҳам 20% оилаларда ўзгармай қолаётганлиги оилада соғлом психологик муносабатларни таъминлаш борасида хавфли масаладир.

Бу масалага аксарият қайнона ва келин хулқ-атвори, дунёқараши ва ўй фикрларининг мутаносиб эмаслиги, фарзандлар тарбиясига муносабат, оила маблағларини нотўғри тақсимлаш, кучли қизғониш ва ишончмаслик, рўзғор ишларининг бетартиб ва пала партишлиги, ота-она ёки оиланинг яқинларига муносабатнинг қадриятларга мос эмаслиги, ота-она ёки қариндош-уруғларга

муносабатнинг қадриятларга мос ифодаланмаслиги, яшаш шароитининг ноқулайлиги, ўзаро маслаҳатда бир қарорга келолмаслик, гап олмаслик ва келишмовчиликлар сабаб бўлиши кузатилди.

Келиннинг қайн опа-сингиллар билан муносабатлари 19,3% оилаларда жуда яхши, 48,7% ида яхши, 10% ида қаноатланарли, 13% ида деярли ёмон, 9% ида эса ёмон эканлиги қайд этилди. Ёки буни келин билан қайн опа-сингилларнинг ўзаро муносабатлари 68% оилаларда яхши ҳолатда, 22% ида ташвишли дейиш мумкин. ўзаро муносабатларнинг ёмонлашувига ўзаро хулқ-атворнинг мос келмаслиги, ота-она ва қариндош-уруғларга муносабат, иқтисодий таъминотдаги камчиликлар, келиннинг оила бюджетини оқилона, омилкорлик билан бошқара олмаслиги, яшаш шароитининг ноқулайлиги дунёқараш ва маслакларнинг номувофиқлиги, уйнинг саранжом-саришта ва ораста эмаслиги каби омиллар таъсир этиши тадқиқотларимизда исботланди. Келиннинг қайн ака-укалар билан муносабатлари 16% оилаларда жуда яхши, 4% ида яхши, 11,7% ида қаноатланарли ҳолатда, 13 % ида деярли ёмон, 5,3% ида эса ёмон эканлиги қайд этилди. Ёки бу ҳолатни келин билан қайн ака-укаларнинг ўзаро муносабатлари 70% оилаларда яхши, 18,3% ида ёмон ҳолатда деган хулосага келиш мумкин. Келин билан қайн ака-укалар ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашувига олиб келувчи сабаблар хулқ-атвор, дунёқараш ва маслакларнинг мос келмаслиги, ота-она ва қариндош-уруғларга муносабат, яшаш шароитининг ноқулайлиги, иқтисодий таъминотдаги камчиликлар, вазифани бажаришдаги эътиборсизлик, оила бюджетини оқилона бошқара олмаслик, ичиш, чекиш ва бошқа камчиликлар эканлиги аниқланди.

Энди куёв (эр) нинг қайнота, қайнона, қайн опа-сингил, қайн ака-калар билан муносабатларининг ҳолати тўғрисида тўхталсак, у ҳолда қуйидаги натижаларни гувоҳи бўламиз. Тадқиқотимиз натижаларига кўра, куёвларнинг қайноталари билан муносабати 21% оилаларда жуда яхши, 53,7% ида яхши, 15,3% ида қаноатланарли, 7% ида деярли ёмон, 3% ида эса ёмон эканлиги қайд этилди. Куёв билан қайнота муносабатлари ҳам 74,7% оилаларда яхши эканлиги тасдиқланди. Бироқ, 10% оилаларда куёв билан қайнота муносабатлари ёмон эканлиги кузатилди. Бунинг асосий сабаблари феъл-атворнинг мос келмаслиги, иқтисодий таъминотдаги камчиликлар, оила бюджетини оқилона бошқара олмаслик, ота-оналарнинг аралашуви, ота-она ва қариндошларга муносабат, дунёқараш ва маслакларнинг номувофиқлиги, ичиш, чекиш ва бошқа камчиликлар эканлиги аниқланди.

Куёв-қайнона муносабатлари ҳам 25,7% оилаларда жуда яхши, 41,3% ида яхши, 14% ида қаноатланарли ҳолатда, 12% ида деярли ёмон ва 7% ида эса ёмон ҳолатда эканлиги аниқланди. Куёв-қайнона муносабатлари 67% оилаларда яхши эканлиги шу билан бирга 19% ида куёв-қайнона муносабатлари ёмон эканлиги кузатилди. Бунга асосий сабаб улар феъл-атворининг мос келмаслиги, оила бюджетини оқилона бошқара олмаслик, уй ишларининг оила аъзолари ўртасидаги нотўғри тақсимооти, ота-оналарнинг аралашуви, рашк ва ишончсизлик, ота-оналар ва қариндош-уруғларга қадриятларга хос муносабатнинг етарли эмаслиги, яшаш шароитидаги камчиликлар, маслакларнинг номувофиқлиги, ҳақоратлаш, ичиш-чекиш ва бошқа камчиликлар эканлиги исботланди.

Куёвнинг қайн опа-сингиллар билан муносабатлари ўрганилган оилаларнинг 19,7% ида жуда яхши, 57% ида яхши, 13,3% ида қаноатланарли, 8% ида деярли ёмон ва

3% ида ёмон эканлиги аниқланди. Умумий ҳолат куёвнинг қайн опа-сингиллар билан муносабати 76,7% оилаларда яхши, 11%ида ёмон эканлигини тасдиқлайди. Бунинг сабабларига кўпинча юқорида куёв билан қайнона муносабатлари ёмон аҳволдаги оилаларда учрайдиган омиллар эканлиги кузатилди.

Куёвнинг қайн ака-укалар билан муносабатлари ўрганилганда 22% оилаларда жуда яхши, 52,7% ида яхши, 12% ида қаноатланарли ҳолатда, 10% ида деярли ёмон 3,7% ида эса ёмон эканлиги қайд этилди. Умумий ҳолатга эътибор берилганда куёвнинг қайн ака-укалар билан муносабати 74,7% оилаларда яхши, 13,7% ида эса ёмон ҳолатдалиги аниқланди. Бунга асосий сабаб юқорида баён этилган куёв-қайнота муносабатлари ёмонлашган оилаларда учрайдиган омиллар (аксарият) эканлиги таъкидланди. Келиннинг қайнота (16,0%), қайнона (8,0%), қайн опа-сингил (10,0%), қайн ака-ука (11,7%) лар билан ёки куёвнинг қайнота (15,3%), қайнона (14,0%), қайн опа-сингил (13,3%), қайн ака-ука (12,0%) лар билан ўзаро муносабатлари қаноатланарли (яхши ҳам, ёмон ҳам эмас) даражада эканлиги оиладаги соғлом психологик муҳитнинг ё ижобий, ё салбий томонга силжишига таъсир кўрсатиш эҳтимоли мавжуд. Шундай қилиб, ёш эр-хотиннинг ота-онаси ва яқин қариндошлари билан муносабатларидаги (жадвалга қаранг) келиннинг қайнота билан муносабатлари (10% оилаларда деярли ёмон, 4,0% ида ёмон), қайнона билан муносабатлари (12% оилаларда деярли ёмон, 8% ида ёмон), қайн опа-сингиллар билан муносабатлари (13% оилаларда деярли ёмон, 9% ида ёмон), қайн ака-укалар билан муносабати (13,0% оилаларда деярли ёмон, 5,3% ида ёмон) ёки куёвнинг қайнота билан муносабатлари (7% оилаларда деярли ёмон, 3% ида ёмон), қайнона билан муносабатлари (12% оилаларда деярли ёмон, 7% ида ёмон) қайн опа-сингиллар билан муносабати (8% оилаларда деярли ёмон, 3% ида ёмон), қайн ака-укалар билан муносабатлари (10% оилаларда деярли ёмон, 3,7% ида ёмон) шахслараро муносабатларда этномаданий меъёрларга таянган ҳолда ёш келин-куёв ўртасидаги соғлом психологик муносабатларни таъминлашнинг психотерапевтик таъсир этиш усулларида самарали фойдаланишни тақозо этади.

Шу боис, оиладаги шахслараро муносабатлардан келиб чиқадиган муаммоларни баъзи ҳолларда келиннинг характер хусусиятлари, оила тўғрисидаги олдинги тасаввурларининг мос келмаслиги, ўзаро муносабатлардаги маданияти билан худди шу каби оиланинг бошқа аъзоларининг хулқ-атвор хусусиятлари ва муомила-муносабат маданияти даражалари ўртасидаги тафовутларни аниқлаш ва шунга хос уларни ҳар бирига нисбатан психотерапевтик ёндашувлардан ўринли фойдаланиш орқалигина айнан ўша муаммоларни бартараф қилиш мумкин.

Оила ва эр-хотин муносабатларига доир психотерапия соҳасида мазкур муаммолар юзасидан ёрдам сўраб, психологга мурожаат қилган мижоз (ёки мижознинг яқинлари) унга мазкур муаммонигина эмас, балки ана шу муаммо ечимини ҳам топишга умид қилади. Ўз касбининг моҳир устаси сифатида амалий психологнинг вазифаси мижозга шу ечимни топиш ва уни англаб етишда ёрдамлашишдан иборат. Психолог нима билан ва қандай ёрдам бера олади? Психологияда бир нечта соф касбий сирлар мавжуд бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятини қуйидаги тартибда ифодалаш мумкин:

1.Мижозга сўзсиз яхши муносабатда бўлиш - самарали психологик ёрдам

кўрсатишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Бу ерда энг оддий восита-мижозни шу пайтда муайян қийинчиликларни бошидан кечираётган, психологик ёрдамга муҳтож киши сифатида, психолог эса мижознинг ана шундай муаммоларини ҳал қилишга қодир ва имкониятлари бўлган инсон сифатида муносабатга киришиши шарт.

2. Психолог ўз мижозини шунчаки тушунибгина қолмасдан, балки алоҳида бир тарзда унга ҳамдардлик қилган ҳолдагина ёрдам беради. Психолог сўзлардан кўра, улар орқасида яширинган ҳис-туйғуларга эътибор беради. Мажозий маънода айтганда, у ақл билангина эмас, балки юракдан муомала қилади. Бундай муносабат услуби мижозга ўзининг кўпинча зиддиятли, чалкаш ва сиқиб чиқарилган ҳис-туйғуларини англаб етиши, ўзини ва ўзининг муаммоли ҳаётий ҳолатини яхшироқ ҳамда тўлиқроқ тушунишга имкон беради.

3. Психолог ўзи муаммолардан холи, мулоқот учун очиқ, унинг "ҳозиргача ва бундан кейин" вазиятидан келиб чиқадиган ўз фикрлари ва туйғулари мижоздан мулозим табассум орқасида ёки ҳамма нарсани билгучи эксперт ниқоби билан яширинмаган (очиқ) бўлсагина унга ёрдам бера олади. Психологнинг самимийлиги мижозда ҳам самимият ва ишонч уйғотади, унинг суҳбатдошга умуман, маслаҳат олиб борилаётган вазиятга, охир оқибатда эса ўзига-ўзи ишончни оширади.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, психолог мижоз учун ўзига хос жонли кўзгуга айланган тақдирдагина унга ёрдам бера олади. Бу кўзгу мижозга тўлиқ очилган бўлиши, маслаҳат берилаётган вазиятда мижоз ички дунёсининг турли томонларини акс эттириши ва ниҳоят мижозга унинг руҳий оламини аниқ ва қалбакилаштирилмаган инъикосини бериш учун тоза, ростгўй ва адолатли бўлиши жоиз. Бундай жонли кўзгу (психолог) - мижозда ўзини-ўзи тадқиқ этиш жараёнини юзага келтириши, демакки, дастлабки муаммонинг ечимини излашнинг асосий ҳаракатлантирувчи, механизми ва шарти сифатида намоён бўлади. Бу ҳолда аввал бошданок мижозда муаммога ечим аллақачон борлигига ишонган психолог мижозга хос бўлган муаммо ва вазият билан боғлиқ ҳолатда олиб борилган психотерапевтик жараён асосида муаммо ечимига йўл топиб бораверади. Мижоз натижада ўзи сезмаган ҳолда муаммо ечимини англайди ва амалиётчи психолог хизматидан мамнун бўлади.

Хуллас, ёш келин ёки куёвнинг хулқ-атвори ва оиласи ҳаётида юзага келаётган муаммоларни шаклланиш қонуниятлари ҳамда унга таъсир этаётган муҳим омилларни ўрганиб психологик таҳлил қилиш, тегишлича зарур тарбиявий- психологик чора-тадбирлар белгилаш ва уларни амалга ошириш, натижаларни тўғри баҳолаш ҳамда асосли қарорлар қабул қилиш самарадорлиги албатта, психотерапевтик хизмат ташкилотчисининг психологик саводхонлигига ҳамда ёш келин-куёвнинг ота-оналари ва жамоатчиликнинг мунтазам ҳамкорликда ишлашига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиши тадқиқотларимиз давомида тасдиқланди.

References:

1. Бендлер Р., Гриндер Д, Сатир В. Семейная терапия. - СПб., 1993. -122 с.
2. Отахўжаев Ф.М. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. -Т.: Ўзбекистон. 1995. - 172 б.
3. Обозов Н.Н. Психология межличностных отношений. –Киев: изд-во Ун-та. 1990. -192 с.
4. Келли Дж. Психология личности: теория личностных конструктов. Санкт -Петербург,

2000, -356 с.

5. Винивидова Е. П. Структура понимания конфликтной ситуации молодыми супругами с разным стажем совместной жизни : иссертация ... кандидата психологических наук [Место защиты: Кур. гос. ун-т]. - Б. м., 2012. - 130 с.

6. Дзагкоев А. К. Молодая семья в современных условиях: На материале Республики Северная Осетия-Алания. Автореф. дисс. к. соц. н. М, 2000, -42 с.

7. Ramazonov, J. D. Talabalar ta'lim jarayonida o'zini o'zi idora qilishining ijtimoiy-psixologik mexanizmlari. Obrazovanie i nauka v XXI veke. Mejdunarodnyy nauchno-obrazovatelnyy elektronnyy jurnal. Выпуск, (14), 794-800.

8. Ramazonov, D. J. (2022). Modelirovanie mexanizmov samoupravleniya studentov. Science and Education, 3(4), 1003-1011.

9. Ramazonov, J. J. (2021). Talaba-yoshlarda o'zini o'zi idora qilishning ijtimoiy-psixologik mexanizmlari. Innovation in the modern education system: a collection scientific works of the International scientific conference (25th March, 2021). Washington, USA:" CESS, 165.

10. Djalolovich, R. J. (2023). NIKOH-OILA MUNOSABATLARI SHAKLLANISHINING IJTIMOY-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 3(3), 473-477.



INNOVATIVE
ACADEMY